


Гуманитар-Хукукий Марказ



Humanitarian Legal Center

The New Tactics in Human Rights лойихаси



The New Tactics in Human Rights лойихаси

## **МУКАДДИМА**

Сунгги йигирма йил ичида жахон инсон хукукларида янги даврнинг бошланишига гувох булмоқда. Бунда, инсон хукукларида халкаро хуқук ва халкаро жамоатчилик фикри ахамияти ошиб бормокда. Халкаро хуқук бобида, янги механизмлар бизнингadolat ва унга эришиш тугрисидаги тушунчаларимизни узгартириб юборди. Айни вактда, ташкилотлар ва химоячиларнинг креатив мушоҳадаси ва изланувчанлиги инсон хукуклари химоясида нималар амалга оширилиши- нималарга эриша олишимиз мумкинлиги тугрисидаги тасаввурларимиз тарзини узгартириди.

Бутун дунеда ва хамма боскичларда, кичкина кишлоклару миллий хукуматларда хамда халкаро адлиянинг энг юкори бугинларида, инсонлар уз фаолиятларининг унумдорлигини янада ошириш максадида инноватив тактикаларни яратмокдалар ва ишлатишмокда. The New Tactics in Human Rights ( Инсон хукукларида янги тактикалар) лойихаси ушбу инноватив тактикаларни туплайди ва инсон хукуклари карор топишида жонкуярлик курсатетган бошкалар билан уртоклашади. Ушбу фаолиятни баҳолаш ва қулингизда ушлаб турган китобчанинг кимматли имкониятларидан баҳоли кудрат фойдаланишга даъват этаман.

Уз фаолият соҳам тугрисида гапирадиган булсам, мен инсон хукукларининг энг жиддий топталиши курбонлари учунadolat карор топтирилишида янги имкониятлар юзага келганлигини курмокдаман. Халкаро жамоатчилик фикрининг талаби ва куллаб-кувватлаши натижаси уларок, юзага келган уруш жиноятлари буйича маҳкамалар - Собик Югославия ва Руанда буйича Халкаро Жиноят Трибуналларининг ташкил этилиши,adolat карор топиши учун янги эшиклар очди. Трибуналларда ишляетганлар - дуненинг бир катор мамлакатларининг мутахассислари – бунгача амалга оширилмаган ишларни, жумладан, бундан олдин хеч бир давлатда илгари сурилмаган айбловларни эълон килишмокда, янги прецедентларни юзага келтиришмокда, янги хукукни карор топтиришмокда. Биргаликда янги тактика, бошка бир бундан хам кучлирок тактикани- Халкаро Жиноий Судни юзага келтирган тактика яратилди. Ушбу суд инсониятга карши, каерда ва ким томонидан содир этилганидан катъий назар, жиноятлар буйичаadolatни карор топтиришнинг мухим воситаси булди.

Собик Югославия буйича Халаро Жиноий Трибунал доирасида биз яна бир тактикани ишлатдик. Биз номусга тегишини бошка жиноятларга илова сифатида талкин килинадиган иккинчи даражали конунбузарлик деб эмас, балки уз узидан харбий жиноят деб талкин эта бошладик. Трибунал босниялик мусулмон хотин-кизларнинг номусини давомли тарзда топтаган саккиз босниялик серб зобитини айбор деб топганида, инсон хукуклари ва гендерга боғлиқ жиноятлар тугрисидаги жаҳон тасаввур тарзида улкан узгартириш юзага келди. Ушбу тактика бошка купгина холларда хамadolat карор топшишига имкон яратди.

Ун йил илгари, мутахассислар Аугусто Пиночет сингари нуфузли собик диктаторларнинг айбдор деб топилиши ва экстрадиция килиниши мумкинлигини табассум билан карши олар эдилар. Бу бизга ишлатилиши мумкин булган тактика деб куринмасди. Бундай жиноятчилар, жиноятлари канчалик вахшиена булмасин, дуне буйлаб хеч кандай каршиликсиз сайру саехат кила олишарди. Пиночетнинг хибсга олиниши ва экстрадиция килиниши халкаро адлияда нималар мумкинлиги тугрисидаги тушунчаларимизни узгартириб юборди. Инсон хукуклари химоячилари ихтиерига яна бир тактика кушилди, кайсики келажакда яна ва яна ишлатилади.

Мен инсон хукуклари химоячиларининг миллий ва халкаро маҳкама(суд)ларни хамда бошка халкаро форумларни, каерда содир этилишидан катъий назар инсониятга карши жиноятларга диккатимизни каратиши ва барадла хамда жасурлик билан адолат талаб этишини олкишлайман. Аммо булар жаҳонда, инсоният тажрибаси сингари турли-туман соҳалар ва минтақаларда, инсон хукукларини карор топтириш ва инсон шаънини химоя килишда ишлатиб келинаетган купгина янги ва инноватив тактикалар ичида бир нечаси, холос.

Мен ушбу китобни тақдим этишда The New Tactics in Human Rights ( Инсон хукукларида янги тактикалар) лойихасига кушилганимдан фахрланаман. Ушбу китоб тактикаларнинг мукаммал каталоги булганлигини даъво кила олмаса хам, инноватив ва янги фикрлаш тарзининг бой мажмуаси булиб, Сизнинг иш фаолиятингизда фойдали булишига умидвормиз.

**Судья Richard J.Goldstone (Ричард Голдстон)**

Нафакадаги Жанубий Африка Конституционал Суди Судьяси,  
БМТ собик Югославия ва Руанда буйича Халкаро Жиноий Трибуналлар Бош Прокурори,  
Косово буйича Халкаро Мустакил Тергов раиси  
Халкаро Юристлар Ассоциацияси томонидан тузилган Халкаро Терроризм буйича Task Force Раиси

## **Янги Тактикалар Зарурияти**

(қискартиришлар билан)

Замонавий инсон хукуклари харакати сунгти уйилликларда инсон хукуклари идеалларини олга суришда ва маҳсус химоя механизмлари яратишда улкан муваффакиятларга эришиди. Ушбу харакат хотин-кизлар ва болалар хак-хукукларини химояловчи, кийнокларни кораловчи янги конвенцияларни юзага келтирди ҳамда химоя ва куллаб-кувватлашга молик конуний (легитим) сиесий фаолиятлар тушунчаси буйича халкаро консенсус(яқдиллик) га эришилди. Сиесий маҳбуслар азоб-укубатдан химояланиб, купчилиги озод этилди. Ва купгина мамлакатларда, ички ва ташки сиесат бобида халкаро инсон хукуклари стандартларига риоя этилишини илгари суришга хизмат киладиган мукаммал муассаса-ташкилотлар юзага келди ва ривожланди. Биз ушбу ютуклар канчалик мухимлиги еки руебга чикиши канчалик кийинчилик билан булгани түгрисида муболага килаолмаймиз.

Ушбу ютукларни, купчилик холларда, учта тактика юзага келтирди:

1. стандартлар, шартномалар ва конвенциялар мажмуини юзага келтирган халкаро талабларни олга суриш;
2. ушбу стандартларга риоя этишни мониторинг килиш;
3. ушбу стандартлар бузилганда хукумат харакатлари еки харакатсизлигини коралаш ва танкид килиш.

Йиллар давомида, ушбу ендашувлар талаб киладиган инфратузилма ва кобииятлар кескин ошиб кетди.

Ушбу тактикалар оламшумул узгаришларга олиб келганилиги ва келажақда ҳам куллаб-кувватланиши ҳамда давом эттирилиши хаммага аен. Шу билан биргаликда, бу йусиндаги фаолиятимизда каттагина чеклашлар булиб, ушбу ендашувлар, уз-узидан ва фактат узи, чигал инсон хукуклари муаммоларини ечишда етарли эмас.

Масалан кийноклар муаммосини олиб курайлик Хозирда, мисол учун, кийнокларга карши халкаро конвенциялар ва стандартлар, конституциявий химоя чоралари ва миллий конунчилик хужжатлари бошка бир инсон хукуклари бузилишига оид хужжатлардан куп. Кийноклар мониторинги нафакат конвенциялар доирасидаги механизмлар томонидан, балки миллий ва халкаро нодавлат ташкилотлари томонидан амалга оширилмокда. Бунга күшимча тарзда, дуне буйлаб таркалган 250 дан зиед кийнок курбонлари билан шугулланадиган, кийнокка тортилганини расмий хужжатлаштириш учун тиббий муолажа курсатадиган ва кийнокни суд томонидан тан олинишига кумаклашадиган марказлар мавжуд. Кискаси, кийнокка тортиш - энг куп кузатиладиган ва кораланадиган инсон хукуклари бузилишидир.

Устига устак, Amnesty International 2000 йилда узининг учинчи кийнокка карши халкаро кампаниясини ташкиллаштириб, кийнокка тортиш ташкилот узининг 1974 йилда утқазган биринчи кампанияси вактида булгани каби кенг таркалганини тан олди.

Факатгина сунгги, ун йилликда, уз кулами билан даҳшатга соладиган инсон хукуклари бузилиши – Босния, Руанда, Сьерра-Леоне ва яна 150 дан ортик мамлакатда кийнокка тортиш давом этаетганлигининг гувохи булдик. Мен бир нарсани айтишим шарт: *нимадир ишламаяпди*.

### **Хозирги Стратегиянинг Камчиликлари**

Кийнокка тортишнинг доимиyllиги жаҳон хамжамиятига сезиларли таҳдид солмокда.

Инсон хукуклари харакатида кенг таркалган уч тактика кийнокка тортишнинг сезиларли камайишига олиб келмаган бир пайтда, хозирги стратагиянинг каичиликлариға назар ташлаш фурсати етиб келди. Ушбу камчиликларнинг бир кисм мохиятини «тактиканый хариталаш (мэппинг)» деб номлаганим жараендан келтириб чикарса булади.

Кийнокка тортувчи ва кийнок курбони орасидаги муносабатлардан бошлаб, кийноклар буйича ун мутахассисдан иборат гурух ушбу фундаментал одамийликдан чекиниш юзага келиб, кийнокка тортиш руй берадиган бошка муносабатларни диаграмма шаклида ишлаб чикишди. Масалан, одатда кийнокка тортувчилар кучли иерархик бошқарувга эга гурух аъзоларидир; шу бидан бирга улар Бирон бир харбий булим еки полиция булими аъзоси хам булиши мумкин. Биз кийнокни режалаштирадиган, амалга оширадиган ва молиялаштирадиган буйруклар занжирини тушуниш учун ушбу муносабатларни вертикал тарзда урганиб бордик. Аммо шу билан бирга, бошка мавжуд булган таъсир ва муносабатларни тушуниш максадида, хар бир бугинни биз горизонтал тарзда хам ургандик. Негаки, масалан, полиция булимларида шифокорлар ва харбий булмаган хизмачилар хам бор; уларнинг уз навбатида ташки дуне билан маълум даражада таъсир ва назоратга эга муносабатлари мавжуд. Ушбу услубни ишлатган хомаки диаграмма энг пастки бугиндан тортиб то халкаро хамжамият бугинигача, жами 400 дан ортик алокаларни хисобга олди.

Биз диаграммадаги хар бир алока бугини кийнокка тортувчи/курбон жуфтлигини назорат килиш еки тухтатиш учун аралашувга кулай эканлигини аникладик. Диаграмма ердамида, биз турли тактикалар билан таъсир килинадиган мавжуд алокаларни ва кийнок жуфтлигини тухтатадиган таъсирга эга алокаларнинг мантикий занжирини харитага туширдик. Бунинг натижасида, биз бир неча хулосаларга келдик:

1. Купгина тактикалар диаграмманинг энг чеккасида, масалан, халкаро миқесда, руй беради ва бу билан улар кийнокка тортувчи/курбон жуфтлигига билвосита таъсир утказиш учун купгина бошка алокалар занжиридан утиши керак. Биз бу хол, тактиканинг таъсирини камайтиради деган фикрни олга сурдик.

2. Кийнок мавжуд булган тизимлар, мурт ва осонгина узиладиган булмай, балки анча мураккаб булиб, кийнокка солишдан манфаатдор турли ташкилотлар бир-бирини куллаб-кувватлашига имкон беради. Тизимнинг бир кисмига хужум килингнада , тизимдаги бошка такиilotлар( масалан, полиция, прокуратура, бефарқ суд тизими) химояланишга ва узини кайта тиклашга ердам берди. Биз буни тизим якка такикаларга имкон бермайди деб тушунамиз. Ва тизим купгина нукталарда бараварига тахъсирга учраши керак ва бу билан издан чиқарилиб, узини кайта тиклашининг олди олиниши керак деб биламиз. Бу биргаликда анча мукаммал стратегия доирасида бир неча такиканинг ишлатилишини такозо этади.
3. Ушбу соҳадаги нодавлат ташкилотлари чекланган микдордаги такикаларда фойдаланади. Ташкилотлар тор доирадаги такикалар билан чекланиб, деярли хамкорликда фаолият курсатишмайди. Бу тизимга таъсирни нафакат чеклаб куяди, балки ташкилотларни вазиятга таъсир курсатиш урнига узининг чекланган имконияти доирасида стратегия ишлаб чикишига олиб келади. Яъни биз килишимиз керакли нарса урнига, нимани кила олсак ушани киламиз. Биз такикаларнинг бир-бирига мувофиқлаштириши уларни янада эффектив килишини олга сурамиз.
4. Хозирги хатти-харакатларда диаграмадаги купгина алокаларга таъсир курсатилмаяпди еки улар камраб олинмаган. Уларнинг салохияти ва хавотири харакатга келтирилмаяпди. Биз такикалар имкони борича кенг миқесда ишлатилиши куплаб акторларни жалб килишини олга сурамиз.

Ишончим комилки, шунга ухшаш хулосалар бошка ижтимоий ва инсон хукуклари муаммоларида хам уз тугрилигини исботлайди. Биз узгаришнинг эффектив стратегияларини яратиш максадида биргаликда ишлашнинг янги йулларини излашимиз керак.

### **Максадлар, Стратегия ва Тактика**

Такикага ахамият мухим булгани билан, бу ташкилот учун биринчи галдаги устивор масала эмас. Ташкилот биринчи галда узининг асосчилари, раҳбарлари ва аъзоларининг гоялари ва дунекарашини ифода этадиган кенг миқесдаги, узок муддатли максадларини ишлаб чикиши керак. Бу максадлар, режалаштириши осонлаштириши учун, аник булиши керак. Бундан ташкари, ташкилот маълум муддат ичида нималарни амалга ошириши ва нималарни амалга ошира олиши тутрисида стратегик режаларни баен этувчи ташкилотнинг оралиқ максадларини хам ишлаб чикиши керак.

Стратегия билан бөглиқ хеч кандай сир мавжуд эмас, факат баъзан стратегик уйлаш кийиндир. Стратегия яккаю ягона карор эмас, балки карорлар кушилмасидир: устивор вазифалар ва муносиб мулжалларни танлаш, лозим булган ресурслар ва кувватлар, кайси такикани качон ва каерда ишлатишни англаш. Икки минг йил аввал Сунъ Цзу ургатганки, стратегия ракиб(унинг максади, стратегияси, кучли ва кучсиз томонлари)ни, узи(иттифокдошлар, узимиздаги кучли ва кучсиз томонлар)ни ва ландшафт(мухораба буладиган майдон)ни англашдан

елиб чикади. Ракибнинг тактикаси унинг стратегиясининг мухим бугини ва бу тактикани билиш ракибга бас кеишга ердам беради. Нимани амалга ошираолишимиз, хусусан биладиган ва муваффакият билан ишлатаоладиган тактикаларимиз, стратегиямиз шаклланишига таъсир курсатади. Шу боис, тактиковий мушохада стратегик мушохаданинг узвий булагидир.

Тактика стратегия доирасидаги маҳсус харакат булиб, дунедаги узгаришга таъсир утказиш максадида ресурсларимизни ташкиллаштиришнинг усулидир. Тактика маълум бир вазиятда фаолият, тизим еки маълум муассаса булиши мумкин, бошка бир вазиятда эса маҳсус бир усул булиши мумкин. Ташкилотнинг кулами, салоҳияти ва ресурсларига краб тактикалар узини турлича намоен этишади. Тактика узгаришни кандай руебга чиқаришни назарда тутса, стратегия кандай тактикаларни ишлатишни, кайси мулжалларни нишонга олишни ва кайси ресурсларни ишлатишни назарда тутади. Тактика тугрисидаги билимимиз танлаган стратегиямизга таъсир курсатади.

Тактиковий мушохада инсон хукуклари учун эффектив курашда жуда мухимдир. Ушбу фикримни батафсил еритсам.

**1. Тактика стратегияни белгилаб беради**

Мавжуд муаммога янгича ендашув инсоният тарихида инновацияларга сабаб булган. Масалан, Генрих V нинг инглиз кушинларида узун камоннинг ишлатилиши оғир куролланган рицарлардан устунликни еки Юнон фалангасининг тарақкӣ эттирилиши тартибсиз, аммо кудратли чавандозларга таянадиган анъанавий мухораба (жанг) усуllibаридан узгача жанг усулини ривожланишини таъминлади. Тактиковий инновация янги стратегик имкониятларга йул очиб берди.

**2. Хар бир тактика узига хос максадга мулжалланган**

Хамма тактика хам хамма вазиятларда бирдек таъсирга эга эмас. Масалан, хат езиш кампаниялари демократик хукуматларга ва автократик хукуматларга турлича таъсир курсатади. Шу боис тактикалар натижа бермаганда, биз янги ва эффектив тактикаларни ишлаб чикишимиз керак.

**3. Хар бир тактика узининг маҳсус кулланилиш доираси( constituency)га эга**

Хаар биримизнинг узига хос урганиш усули мавжуд. Яхши уқитувчилар бунинг фаркига бориб, бизга уз уқитиш тактикаларини узгартириб ердам беришга уринишади. Инсон хукуклари фаолиятига инсонларниң кенг катламларини жалб килиш максадида биз ижтимоий узгариш тактикаларида айнан шундай харакатланишимиз керак. Уз бошидан катагонларни кечирган жамиятларда инсонлар ижтимоий хаетдан чекинишади. Шундай жамиятларда инсонларни ишга солиш максадида ижтимоий узгаришга турлича муносабатга булганларга мулжалланган тактикалар ишга солиниши керак.

**4. Тактиковий ранг-баранглик(flexibility) таажжуб манбаи**

Бир тактика муттасил такрорлаганганида, ракибларимиз уларга бас келишни ва унинг таъсирини сундиришни урганадилар. Ракибни таажжубга келтириш уни мувозанатдан чиқаради. Бу унинг хато килишига олиб келиб унинг вазиятини оғирлаштиради. ШУ билан бирга, бу урганишга олиб келади негаки тактика мулжали янги маъно касб этиши мумкин еки мусбат томонга узгариш заруриятини англаб этиши

мумкин. Хуллас, тактиковий бирхиллик мушоҳадамизда тақрорланишга олиб келади, ракибимизда булгани каби. Тактиковий ранг-баранглик эса икки тарафнинг хам урганишига олиб келади.

**5. Тактика катнашувчиларни ва кузатувчиларни бошқаларга қандай муомала килишни ургатади**

Тактикалар янги прецедентларни юзяга келтиради ва маълум вазиятларда қандай харакатланишни ургатади. Масалан, биринчи болалар овқати кампанияси, маълум бир натижага эришгунча, салкам ун йил давом этган(1975-1985). Ерга кумиладиган миналарни таъкилаш кампанияси эса натижага эришиши учун факатгина 18 ой давом этди.

**6. Тактикалар хайриҳоҳлар ва катнашувчиларни ташкилот ишига жалб килиш учун мактабдир**

Баъзи тактикалар киска муддатли (масалан намойиш), баъзилари узок муддатли(бойкот) булади. Лекин улар фаолият булгани боис, режалаштириш, мувоғиқлаштириш ва бошқаришни талаб этади. Тактикалар купгина фуқаролар учун ташкилот фаолиятига кушилиш, ташкилот ёки кампания ишига купрок даҳлдор булиш имкониятини беради.

Хулоса килиб айтганда:

- чекланган микдордаги тактикаларнинг ишлатилиши тор куламдаги кишиларни жалб килади; холбуки, куп микдордаги тактикаларнинг ишлатилиши кенг миқесдаги кишиларни жалб килади
- Битта тактикага ҳаддан зиёд бояланиб колиш, тактиканинг ноурин вазиятларда ишлатилишига олиб келади ва стратегик мулжалларни кенгайтириш имкониятини йука чиқарилишига олиб келади
- Куп ишлатилган тактика ракибни уз жавобини маълум тизимга, колипг атуширишига ва ракибнинг химояланишини осонлаштиради

**Douglas A.Johnson** (Дуглас Джонсон)  
Ижрочи Директор  
Center for Victims of Torture  
(Кийнок Курбонлари Маркази)

## **Креатив Стратегия ва Тактикаларни Ишлаб Чикиш**

**Тактикасиз стратегия галабага элтувчи энг секин йул.**

**Стратегиясиз тактика маглубиятдан олдинги шовқиндир. Сунъ Цзу**

2000 йил олдин айтилган Сунъ Цзунинг ушбу суzlари, харакатсиз режалаштириш бефойда ва режасиз харакат хавфлилигини курсатади. Бугун, Сунъ Цзунинг муваффакиятни кафолатлайдиган уч соха тахлилидан куп нарса урганиш мумкин. Сунъ Цзуга кура:

### **Узингни бил**

Уз таргиботингга ишонма. Узингнинг кучинг, заиф томонларинг, кобилияting, кучинг ва хайрхохларинг тугрисида хакконий маълумотга эга бул. Уз иттифокчиларингнинг кобилияtlари ва заиф томонларини пухта билгин.

### **Ракибингни бил**

Ракибингнинг таргиботига хам ишонма. Ракибингнинг кучли ва заиф томонларини, унинг салоҳиятини ва кучини билиш жуда хам мухим.

### **Мухораба майдонини бил**

Мухораба майдони ракиб билан тукнашиладиган майдондир. Бунга хукукий, ижтимоий ва маданий шароитлар, фаолият курсатиласетган мухит хам киради.

Ушбу соҳалар буйича маълумотга эга булгандан кейин, уз стратегиянгизни ишлаб чикишга тайерсиз. Стратегия максадга эришиш йулидаги купгина карорларнинг кушилмасидир (омихтасидир), яъни:

- устивор вазифалар ва муносаб мулжаллар
- куллаб-куватлайдиганлар ва ресурслр
- качон ва каерда кайси тактикани ишлатиш

Тактика вазиятга таъсир курсатиш максадида амалга ошириладиган маҳсус харакат. Тактиканинг кенгрок стратегиянинг узвий булаги булиши жуда мухимдир.

## **ДЕБОЧА**

Стратегия ва тактика ишлаб чикишни бошлашдан олдин баъзи нарсаларни эсда тутмок лозим:

### **Бошкалар билан ишлаш**

Иложи борича, турли келиб чикиши, хаёт тажрибаси ва дунекараши булган кишилардан иборат гурух тузишга харакат килинг. Бу нафакат гурухда турли фикрлар ишлаб чикилишига олиб келади, балки бошка гурух ва кишиларни уз фикрлари билан уртоклашишига олиб келади.

Гурухда мунозара килишдан олдин баъзи коидаларга келишиб олиш керак. Кайсики:

- Хаммага бир хил хурмат курсатилади
- Бир вактнинг узида факат бир киши гапиради
- Икки киши гапиришни хохлаганда, хозиргача гапирмаганга биринчи булиб гапиришимкони берилади
- Хамма фикр-мулохазалар айтилиши мумкин
- Ноурин лукмалар кабул килинмайди ва мулойим, аммо катъий тарзда чекланади
- Фикрларни баҳолаганда, мусбат ва конструктив тарзда баҳоланиши керак
- Мунозарада бирон бир иштирокчининг ташаббусни уз томонига оғдиришига гурухнинг аралашувига рози булиш керак

### **Брейнсторминг билан шугулланиш**

Иложи борича купрок фикр мулохазаларни туплашга харакат килиш керак. Хаммага уз фикрини билдиришга имконият бериш ва буни рагбатлантириш керак.

### **Жараенни езиб бориш керак**

Хамма илгари сурилган фикр ва таклифларни когозга тушириш керак. Шу билан биргаликда ушбу езувларнинг таркалмаслигининг олди олиниши керак.

### **Биринчи Кадам. Муаммони аниклаш**

- Чора курилиши керак булган муаммо нима?
- Муаммонинг асосий таркибий кисмларини руйхатга олинг. Муаммони кадам ба кадам ечиш учун кичикрок кисмларини урганиб чикиш маъқулроқдир.
- Муаммо маълум бир хатти-харакатга, полиция, конун, фукарога оидми?
- Муаммони бир жумлада ифода этинг

### **Иккинчи Кадам. Мулжал(максад)ларни аниклаш**

- Сизнинг таъсир курсатмокчи булган мулжалингиз инсон, жой еки нарса булиши мумкин
- Сиз аниклаган муаммо буйича Ким еки нима жавобгар?
- Муаммонинг юзага келишида еки унинг давом этишида асосий акторлар ким?
- Ушбу муаммони давом эттираетган кандай конунлар, амалиетлар мавжуд?
- Ушбу муаммони хал этиши керак булган муассасалар мавжудми? Улар нега муаммони еча олмаяпти?
- Ташкилотингиз таъсир курсатмокчи булган бир еки асосий акторни еки мулжални аникланг.

**Учинчи Кадам. Максадни аниклаш**

- Муаммога кандай таъсир курсатмокчисиз?
- Кискача уз харакатларингиз махсули нима булшини таърифланг.
- Асосий акторлар еки мулжаллар Сизнинг максадингизга эришингизга кандай ердам курсатиши мумкин?

**Туртинчи Кадам. Иттифоқдош ва Ракибларни Аниклаш**

- Уз макса два мулжалларингизни эсда сакланг
- Сизнинг иттифоқчиларингиз кимлар булиши мумкин? Улар Сизни нега куллаб-куватлаши мумкин?
- Сизнинг ракибларингиз кимлар булиши мумкин? Улар Сизга нега Карши чикиши мумкин ?
- Сизнинг пассив иттифоқчи ва ракибларингиз кимлар? Купчилик инсонлар шу гурухга киришади.
- Тактика танлаеттганда ушбу гурухдаги кишиларга таъсир курсатиш жуда мухимлиги назардан четла колмаслиги керак.

**Бешинчи Кадам. Ресурсларни Аниклаш**

- Максадга эришиш учун ердам берадиган исталган нарса
- Хозирда кандай ресурсларга эгасиз? Кишилар, ташкилотлар, ижтимоий, сиесий ва хукукий шароитлар.
- Ушбу муаммо учун жавобгар булган шахслрга Сиз ва иттифоқчилаингизнинг кандай аллокаси, боғликлиги бор.
- Узингизни кандай химоялашни уйлаб куринг

**Олтинчи Кадам. Стратегияни Аниклаш**

- Стратегияни аниклаб олиш куплаб карорлар кабул килинишини такозо этади. Юкоридаги кадамлар Сизни стратегик карорлар кабул килиш учун керакли маълумот билан таъминлади.
- Юкоридаги кадамларни хисобга олганда, Сизнинг гурхингиз кайси соҳада узгартериш килишга учун энг катта салоҳиятга эга?
- Максадингизни назарда тутиб, ушбу соҳлар руйхатини тузинг
- Уз мулжалингизга таъсирингизни кучайтириш учун кандай чоралар курилиши керак?
- Ушбу чораларни амалга оширишда маълум бир тартиба риоя килиш керакми? Улар бир вактда амалга оширилиши керакми еки бирин-кетин булиши керакми? Сизда керакли ресурслар мавжудми?

- Сизнинг харакат дастурингизни ва дастурингиз максадга эришишингизга канчалик ердам беришини мунозара килинг. Сизнинг стратегиянгиз Сизни дарров максадга олиб келишидан кура, кейинги харакат боскичига олиб келади. ХАракат дастурингиз Сизни максадга элтишига ахамият беринг.

**Еттинчи Кадам. Тактикангизни Аникланг**

- Энди танланган стратегиянгизга мос, ишлатадиган тактикани келишиб олиш керак.
- Сизга маълум ва ишлата оладиган бутун тактикалар руйхатини тузиб чикинг
- Кандай тактикалар пассив(нофаол) иттифокчиларни актив(фаол) иттифокчиларга айлантириши мумкин?
- Кандай тактикалар пассив(нофаол) ракибларингизни пассивлигича колдиради, еки уларни иттифокчига айлантиради?
- Кандай тактикалар ташкилотингизга булган каршиликни тухтатиши еки енгиллаштириши мумкин?
- Сиз бунга факатгина уз ташкилотингиз кучи билан эришасизми еки бошка ташкилотларнинг кумаги керакми?
- Стратегиянгиз ва максадингизга хамоханг тактикани чукуррок мунозара килиш учун танланг. Хаар бир тактика чукур мунозарани ва кушимча чоралар курилишини такозо этади.

**Саккизинчи Кадам. Бир Тактикани Бахоланг**

- Нега шу тактикани танлагангизни мунозара килинг. Хозирги шароитда неа айнан шу тактика максад сари илгарилашда каттарок салохитяга эга?
- Сизнинг вазиятингизда яхширок кулланилиши учун бу тактика кадай фойдаланилиши керак?
- Бу тактика Сизнинг ресурсларингизнинг тулаконли ишлатилишини таъминлайдими?
- Кушимча ресурсларни жалб эта оласизми? Сиз билан яна ким ишлаши мумкин? Бошқаларни Сизга кушилишга ундаш учун кандай тактикалар куллашингиз керак?
- Сиз танлаган тактикани амалаг ошириш учун яна кандай бошка тактикалар ишлатишингиз керак? Якуний максадингизга эришишингиз учун оралик максадлар мавжудми? ( муассаса директорини узгартириш килишга ундаш максадида муассасада хайрихоҳлар ортириш )
- Тактикангизни амалга оширишни бошлашдан олдин бошка ташкилотлар кумагини олишингиз керакми?
- Тактикани эффектив амалга ошириш учун керакли кадамларни Бирма бир санаб утинг. Сизда мавжуд ресурсларни баҳолашдадавом этинг.

## Инсон Хукуклари Химоясида Мавжуд Тактикалар

The New Tactics in Human Rights ( Инсон хукукларида янги тактикалар) лойихаси доирасида тактикалар турт гурухга булинган булиб, хар бир гурух уз навбатида янада кичикрок гурхчаларга булинган. Тактикаларнинг асосий туртта гурухи куйидагилар:

- **Хатарнинг олдини олиш Тактикалари (Prevention Tactics)**

Бу тактикаларнинг асосий максади руй бериши мумкин булган инсон хукуклари бузилишига йул куймаслик. Хатарнинг олдини олиш бевосита инсон хукуклари бузилиши сахнасида шахсан иштирок этиш воситасида, хатарнинг олдини олиши мумкин булганларга зарур маълумотни етказиши воситасида хамда инсон хукуклари бузилишига имкон берувчи шартларни бартараф этиш воситасида амалга оширилади. Бу тактикаларнинг намуналарини куйидаги жадвалда курса булади.

Хатарнинг олдини олиш тактикалари (Prevention Tactics)	
Тактика тури	Тактика намунаси
<b>Бевосита жисмоний химоя</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Хаети хавф остида булган инсон хукуклари фаолларини хавф-хатардан улар енида доимо (халкаро) кунгиллиларнинг булиши ердамида асраш</li><li>• Хибсга олинган намойишчилар ва инсон хукуклари фаолларини улар хибсда булган полиция булимлари ташкарисида норозилик намойиши ташкил этиб химоялаш</li></ul>
<b>Ута мухим маълумот билан уртоклашиш</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Уз хукуки бузилиши мумкин булган шахсга, узини конуний тарзда хукукини химоялаш учун керакли маълумотни бериш, масалан, катта шахарда руйхатдан утмаганларга вактинча руйхатдан утиш тартибини ва улари хукук тартибот органлари вакиллари томонидан тухтатилганда кандай тутишни тушунтириш</li></ul>
<b>Инсон хукуклари бузилишига олиб келувчи шарт-шароитни бартараф этиш</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>• Можароларни тинч йул билан хукук тартибот органларига мурожаат килмасдан хал килиш, масалан, узаро келишмай колган күшниларни махалланинг узида келиштириш. Бунда хукук тартибот органларига мурожаат килинмайди ва шу билна ушбу органлар вакиллари томонидан йул куйилиши мумкин булган тарафкашли ва тамаътирлик олди олинади</li></ul>

- Аралашув Тактикалари (Intervention Tactics)

Давом этиб келаётган инсон хукуклари бузилишини тухтатишни максад килган аралашув тактикаларини турт кичик гурӯхга булиш мумкин. Улар куйидагилардир:

Аралашув Тактикалари (Intervention Tactics)	
Тактика тури	Тактика намунаси
<b>Каршилик Тактикалари (Resistance Tactics)</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Давом этиб келаётган адолатсизликдан оммавий норозилик белгиси сифатида ахолининг бир вактда оддий бир харакатни амалга ошириши. Масалан, кечкурун маълум муддат (1, 2, 3 минут) давомида уй чирокларини учирини еки ишга маълум муддат (10 минут еки 15 минут) кечикиб бориш, ехуд умуман бир кун бормаслик( бунда хизматчи тиббиет муассасасига мурожаат килиши мумкин) ва х.к.</li></ul>
<b>Хукук Бузилишини Тухтатиш Тактикалари (Disruption Tactics)</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Хукук бузилишини бевосита тухтатиш. Масалан, ноконуний меҳнат миграция каллоблари гирдобига тушиб колганларга буни бошидан кечирганлар ердамида уларни каллоблар гирдобидан озод килиш</li></ul>
<b>Кундириш Тактикалари (Persuasion Tactics)</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Бунда бевосита инсон хукуклари бузилишин амалга ошираётганларни муроса мадора йули билан бузилишларни тухтатишга ундаш. Масалан, инсон хукуклари бузилишларини олдини олишга мадакорни бевосита хокимият вакиллари орасидан топи шва унинг воситасида инсон хукуклари бузилишига йул куяетган шахсга таъсир утказиш</li></ul>
<b>Ундаш Тактикалари (IncentiveTactics)</b>	<ul style="list-style-type: none"><li>Ушбу тактикалар воситасида инсон хукуклари бузилишига йул куяетганларга уни бузмаслик учун имконият берилади. Масалан, фарзандини мактабга юбормай ишга юбораётган оилани фарзандини мактабга юбориши учун маблаг билан таъминлаш</li></ul>

- Кайта Тикланиш Тактикалари (Restorative Tactics)

Бу тактикалар, купинча утмишга каратилганига карамай, келажакдаги инсон хукуклари бузилишлари олдини олади. Бу тактикалар жабр курган жамоалар ва гурӯхларни кучайтиришга; зуравонларни химоялашни кузлаган бедодлик пардаларини синдиришга; зуравонларни

жазолашга ва келажақда бундай жиноятлага йул қуйилмаслигига; курбонлар ва уларнинг оила аъзолари чекан азоб-укубатларни хужжатлаштиришга ; келажақда руй бериши мумкин булган инсон хукуклари бузилишидан огох этадиган инсон хукуклари бузилишларини хужжатлаштиришга каратилган. Бу тактикалар уч гурухга булинади:

**Хотирлаш тактикалари** йул қуйилган инсон хукуклари бузилишларини ошкор этади ва хужжатлаштиради. Шу билан ушбу бузилишларнинг унутиб юборилмаслиги ва руй берган воеаларнинг тақрорланмаслигини таъминлайди.

**Жабрдийдаларни куллаб-куватлаш тактикалари** инсон хукуклари бузилишидан жабр курган кишиларни ва гурухларни куллаб-куватлаш, уларнинг янгидан хаётга кайтишини таъминлашни максад килиб куйган.

**Жавобгарликка тортиш тактикалари** утмишда йул қуйилган бузилишлар учун айбдорларни жавобгарликка тортишни максад килиб куйган.

Куллаб-куватлаш Тактикалари(Restorative Tactics)	
Тактика тури	Намунаси
<b>Хотирлаш тактикалари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Камбоджада ташкил этилган Кизил Кхмерлар содир этган жиноятларини Хужжатлаштириш Маркази</li> </ul>
<b>Жабрдийдаларни куллаб-куватлаш тактикалари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Зуравонликни унутиш ва хаётдан нашъя олишга ундовчи жабрдийд афаластинлик болалар учун ташкил этилган езги дам олиш оромгохлари</li> </ul>
<b>Жавобгарликка тортиш тактикалари</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Уз мамлакатидан ташкарида сафарда булган собик диктаторларга нисбатан халкаро хукук нормаларини ишлатиш ва уларни жавобгарликка тортиш. Мас. Пиночетнинг Британияда хибсга олиниши</li> </ul>

**• Инсон хукуклари маданияти ва муассасаларини юзага келтириш  
(Building Human Rights Cultures and Institutions)**

Бошка тактикалардан фарқли уларок бу тактикалар узок муддатли ендашувлар булиб, инсон хукуклари маданиятини шакллантириш ва инсон хукукларига хурматни оширишга каратилган. Улар буни инсон хукуклари ишига янги кишилар ва гурухларни жалб килиш оркали амалга оширадилар. Бунинг натижасида харакатнинг легитимлиги ошади. Бундан ташкари, кишиларда хукукларнинг мавжудлиги тугрисидаги тушунчаларни юзага келиб, хукук бузилишларини тугрисида билимлар пайдо булади. Хукук бузилишларига маданий дунеда чидаб булмаслиги тушунтириллади.

<b>Инсон хукуклари маданияти ва муассасаларини юзага келтириш (Building Human Rights Cultures and Institutions)</b>	
Тактика тури	Тактика Намунаси
<b>Ташкилот тузиш тактикалари</b>	Инсон хукуклари масалалари билан тукнаш келмаганлар орасида инсон хукуклари харакатига хайрхох ташкилот ва гурухлар тузиш, тадбирлар утказиш. Мас.: ешлар орасида иркчилик ва миллатчиликнинг олдини олиш учун машхур мусикачилар иштирокида фестивал ва тадбирлар утказиш
<b>Хамкорлик тактикалари</b>	Инсон хукуклари фаоллари орасида хамкорликни кучайтириш, турли нодавлат ташкилотлари орасида бирлашмалар ташкил этиши. Мас.: Бирлашган фронт тузиш ва бир неча ташкилот биргаликда фаолият олиб бориши
<b>Кобилияйтларни Ривожлантириш</b>	Инсон хукуклари фаоллари уз кобилияйтларини ошириш ва бошка инсонларга инсон хукуклари борасида кобилияйтларини ошириш имконини бериш. Мас.: Кишлек жойлардаги ахоли учун хукукий хужжатлардан хабардорлигини ошириш. Инсон хукуклари химояси билан шугулланувчи ташкилотларни видео имкониятларидан фойдаланиши.
<b>Кишиларда уз хукукларидан вокифликни ошириш</b>	Инсон хуккуларидан вокиф килиш инсон хукулари риоя килинадиган жамиятга илк кадамdir. Ушбу тактикалар кишиларда ушбу хукуклардан вокифликни оширишга каратилган. Мас.: жамиятда мухокама этилмайдиган майший зуравонликни олдини олишга каратилган театр сахналари оркали хотин-кизларнинг хукукий вокифлигини ошириш